



Жанубий

ҚОЗОҒИСТОН

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2025 йил 6 март, пайшанба, №26 (3527).

»» Президент

Президент Туркистон вилояти ҳоқими Нуралхан Кўшеровни қабул қилди

Учрашувда Қасим-Жўмарт Тўқаевга Туркистон вилоятининг ўтган йилги ижтимоий-иқтисодий таъриқига оид кўрсаткичлар ва галдаги режалар ҳақида маълумот берилди.

Вилоят ҳоқими ирригация иншоотларини реконструкция қилиш учун Исломот тараққиёт банкидан маблағ жалб этилаётгани ҳақида маълумот берди. Айни пайтда 135,5 миллиард тенгега 24та лойиҳа молиялаштирилмоқда. Шунингдек, Туркистон шаҳри ва унга яқин жойлашган 6 туманни сув билан таъминлаш мақсадида "Байдибек ата" сув омбори қурилиши олиб борилмоқда, "Боралдай" сув омбори лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда.

Нуралхан Кўшеровнинг айтишича, қишлоқ хўжалигида пахта, маккажўхори ва гўшт кластерларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, пахта-тўқимачилик кластерида 5та (умумий қиймати 197 миллиард тенге бўлган) лойиҳа амалга оширилади. Айни вақтда маккажўхори-қийм заводи қурилиши бошланди ҳамда Асгарин тажрибаси асосида гўшт йўналишида чор-



вачиликни ривожлантириш йўлга қўйилди.

Бугунги кунда энергия тақчиллигини бартараф этиш мақсадида умумий қуввати 2,4 ГВт бўлган 6та лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган. Шу билан бирга, индустриал минтақаларни зарур инфратузилма билан қамраш борасида ҳам тегишли ишлар амалга оширилади.

Нуралхан Кўшеровнинг айтишича, жорий йилда вилоятда 32та мактаб қурилади, 41та

таълим маскани тубдан таъмирланади. Шунингдек, бирламчи тиббий-санитария ёрдам кўрсатувчи 32та иншоот фойдаланишга топширилиши, 45та аҳоли манзилига табиий газ қувурлари ётқизирилиши жоиз.

Қасим-Жўмарт Тўқаев вилоятнинг янги раҳбарига кеча имзоланган "Туркистон шаҳрининг алоҳида мақоми тўғрисида"ги Қонунда белгиланган вазифаларни сифати амалга ошириш учун Ҳукумат билан

яқиндан ҳамкорлик қилиш вазифасини топширди.

Шу билан бирга, Президент томонидан вилоят аҳолисининг турмуш даражасини юксалтириш, сайёҳлик, қишлоқ хўжалиги ва кичик бизнес соҳаларини ривожлантириш, аҳоли манзилларини ичимли сув билан таъминлаш юзасидан вазифалар белгилаб берилди.

Akorda.kz
маълумотлари асосида.

»» Қисқа сатрларда

БИЗНЕС НАСИЯЛАРИНИ КАФОЛАТЛАШ УЧУН ИККИТА ЖАМҒАРМА

Жорий йилда Қозоғистонда 30 минг кичик ва ўрта бизнес лойиҳасини қўллаб-қувватлаш учун 1,7 триллион тенге ажратилади.

– Бизнес кредитлар давлат томонидан кафолатланиши керак. Шу мақсадда 2та кафолат жамғармаси ташкил этилади. Жорий йилнинг охиригача 30 мингга яқин кичик ва ўрта бизнес лойиҳалари учун 1,7 триллион тенге ажратилади, – деди ҚР Бош вазири ўринбосари – Миллий иқтисодиёт вазири Серик Жумангарин Ҳукумат йиғилишида.

ХАЛҚАРО ОЛИМПИАДА ҒОЛИБИГА – 6 МИЛЛИОН ТЕНГЕ

Мамлакатимизда қишлоқ мактаблари ўқувчиларини заковат олимпиада ва мусобақаларига тайёрлаш мақсадида "Дарын" онлайн мактаби фаолиятини бошлади.

– Ҳозирда Қозоғистон олимпиадалар соҳибдорларини тақдирлаш тажрибасига эга кам сонли давлатлардан биридир. Президентимиз ташаббуси билан 2022 йилдан эътиборан халқаро фан олимпиадалари ғолиблари ва уларнинг ўқитувчилари пул мукофотлари билан тақдирланади. Халқаро олимпиадаларда совринли ўринларни қўлга киритган ўқувчиларга бир марталик давлат мукофоти берилади: олтин медаль учун – 1500 ОҲК, кумуш медаль учун – 1000 ОҲК, бронза медаль

учун – 500 ОҲК миқдорига, – деди "Дарын" республика илмий-амалий маркази директори Г. Турсинов.

ШАХСИЙ ГУВОҲНОМАЛАР – МАСОФАДАН

Тегишли буйруқ Ички ишлар ва Рақамли тараққиёт, инновациялар ва аэрокосмик саноат вазирликлари томонидан ишлаб чиқилди.

– Лойиҳадан кўзланган мақсад – "Қозоғистон Республикаси фуқароларига паспорт ва шахсий гувоҳномалар бериш" давлат хизматини кўрсатишни 2026 йил 1 мартгача амалдаги тартибга муқобил равишда онлайн шаклга ўтказишдан иборат, – дейилади хабарда.

24.kz. маълумотлари асосида.

»» Жасоратга таъзим



Буюк Ғалабага 80 йил тўлмоқда. Замон, тузум, одамлар, тафаккур, қарашлар ва ҳатто атамалар ўзгарди. Яқин-яқингача "Улуғ Ватан уруши" деган атама ўша мавҳум Ватанинг ўзи йўқолиб, "Фашизм устидан қозонилган ғалаба" шаклида айтила бошланди.

Мактабни энди тамомлаган йигитлар қўлига милтиқ олиб, уруш майдонларига киришди. Ота-она, қариндош, сеvimли ёрлари уларга нон тишлаб, кузатиб қолишди. Аммо уларнинг кўпчилиги жанг майдонида ҳалок бўлди. Ватани асраб қолишга ҳисса қўшган ҳам улар. Улар ватанимиз фашизм чанғалига тушмасин, дея жанг қилдилар. Уруш қўламининг қамрови шунча-

ХОТИРА – МУҚАДДАС, ҚАДР – АБАДИЙ

лар кенг эдики, ўша пайтдаги хонадонларнинг биронтасини бу фоҳижа четлаб ўтмади. Буюк Ғалабанинг 80 йиллиги муносабати билан юртимизда ниҳоятда савобли, тарихий ишлар амалга оширилмоқда. Номаълум солдатлар номлари тикланмоқда. Архивлардан Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлган ота-боболаримизнинг ҳужжатлари кўтарилмоқда. Таниқли ватандошларимизга "Халқ қахрамони" унвони берилмоқда. Бу ҳақида Қозоғистон Республикаси Давлат котиби Ерлан Қарин маълум қилди.

"Уруш йилларида кўрсатган жасоратлари учун кўплаб юрдошларимиз Совет Иттифоқи Қахрамони унвонига тавсия қилинган, аммо турли сабабларга кўра бошқа мукофотлар берилган. Буни қатор архив манбалари, жумладан, ҳужжатлар тасдиқлайди. Мустақиллик йилларида тўққиз нафар уруш қатнашчиси "Халқ қахрамони" унвони билан тақдирланди. Охириги марта олий мукофот фахрийлар Маулен Қалмирзаев ва Александр Капоринга 2005 йилда топширилган бўлса, бир йил аввал уни машҳур учувчимиз Хиуаз Дўспанова олган эди. Оммавий ахборот воситаларида, тарихчи олимлар, жамоат арбоблари жанговар хизматлари эътироф этилган, кўчаларга номи берилган уруш қахрамонларини

мамлакатимизнинг олий мукофоти билан тақдирлаш зарурлиги ҳақида масала кўтармоқда", деб ёзди Ерлан Қарин Telegram-каналда.

Давлат котибининг сўзларига кўра, ўтган йили Давлат раҳбари Қасим-Жўмарт Тўқаев ушбу масалани ўрганиш юзасидан кўрсатма берган эди.

"Тегишли илмий-тадқиқот ишлари олиб борилди, бу уларнинг жасоратини тасдиқлади. Натижада, Президентимиз Фармонига биноан фронтда жасорат ва қахрамонлик кўрсатган уч нафар қозоғистонлик фуқарога "Халқ қахрамони" унвони вафотидан сўнг берилди. Бу уруш йилларида энг яхши мерганларнинг йигирматалигига кирган афсонавий Тўлеуғали Абдибеков. Миллатчилар унга "қора ажал" деб лақаб қўйишган. Яна бир афсонавий мерган эса Ибраим Сулайменовдир, у Маншук Маметова билан бирга Невель шаҳри яқинида жангларда қатнашган. Таниқли ватандошларимизга "Халқ қахрамони" унвонининг берилиши тарихий адолатни тиклаш ва жамоатчилик тафаккурида қозоқ аскарларининг уруш давридаги жасоратлари ҳақидаги тасаввурини мустақамлашдан иборат", деди Ерлан Қарин.

Ҳар йили 9 май кунини Мангу олов

атрофига гулчамбар қўйиб, порлоқ хотираларини ёдга оламиз. Шундай хотирлаш ва қадрлаш орқали бугунги ёшларимиз мард, жасоратли инсонлар авлоди эканлигини англамоқда. Улар бу билан ҳарбий ватанпарварлик сабоғини олишади. Зеро, матонатли юрдошларимиз фашистлар қадами юртимизга етиб келмаслиги учун ҳаётини қурбон қилдилар.

Улар нафақат собиқ Иттифоқ ҳудудини, шу билан бирга Европадаги кўплаб мамлакатларни фашизмдан озод қилишда ҳам қахрамонлик кўрсатишди. Уларнинг қахрамонликлари, даҳшатли уруш воқеалари тарихини айтиб, ёзиб адо қилиш қийин. Урушнинг сўнгги кунлари Рейхстаг устига ғалаба байроғини тикканлар қаторида тоғ-ўқчи дивизиясининг "Голос война" газетасида мухбир сифатида ўтадим. Ҳамюртларимизнинг Улуғ Ватан урушидаги қахрамонликлари ҳақидаги маълумотлардан газетанинг 1941-1945

йиллардаги тахтамларини варақлаб, воқиф бўлдим.

Улардан бирида қуйидаги хабар чоп этилган эди. "Волгоград шаҳри атрофида "Шарқнинг 11 қахрамони" деган тепалик бор. Урушгача бу жой "Перелазовск хутори" деб аталган. Кейинчалик унинг номи ўзгаришига Туркистон тоғ-ўқчи дивизияси аскарларининг мислсиз қахрамонлиги сабаб бўлди. Ушанда 128-гвардия Туркистон тоғ-ўқчи дивизияси душманга қақшатқич зарбалари билан машҳур бўлган. Взвод командири, кичик лейтенант М. Кабиrowга "Перелазовск хутори"ни эгаллаб, душманни йўлатмаслик вазифаси юкланади. 40 нафар жангчи тўрт томони очик – бийдай даладан эмаклаб ўтиб, қақшатқич жанг ва йўқотишлардан сўнг тепаликни забт этишади. 11 киши тирик қолган эди. Улар душманнинг 300 аскарига қарши туриб, тепаликни 12 кун ҳимоя қилиб туришади. Душман чекинади. Катта жангнинг тақдирини ҳал қилган бу ҳаёт-мамонт жангига 11 кишидан фақат А. Эрдонов билан М. Кабиrowгина омон қолишди. Перелазовск қишлоғининг "Шарқнинг 11 қахрамони" деб аталишининг сабаби шунда.

А. АБДУҒАТТОҲ.

Наврўз 10 кун нишонланади

Жорий йилда вилоятимизда Наврўз байрами 10 кун давомида нишонланади. 14-23 март кунлари "Саломлашиш кунини – Ҳамал байрами", "Меҳр-мурувват" каби турли тадбирлар ўтказилади. Бу ҳақида Туркистон вилояти маданият бошқармаси бошлиғи Азимхан Кўйлибаев маълум қилди.



"Саломлашиш кунини – Ҳамал байрами" кунини Ўрдабоши тумани, Темирлан қишлоғидаги «Шамши» хиёбонинда Туркистон вилояти ва Шимкент шаҳридан зиёлилар, фахрийлар, турли этнос вакиллари, санъаткорлар учрашуви ўтади.

15 март – "Саховат кунини" сифатида нишонланади. Шу кунини шаҳар, туман ва қишлоқларда кам таъминланган оилалар, имконияти чекланган фуқароларга ёрдам кўрсатиш мақсадида хайрия тадбирлари ўтказилади.

16 март кунини барча мактаб ва мактабдан ташқари таълим муассасаларида кам таъминланган оилалар фарзандлари ва имконияти чекланган болаларга кумаклашиш мақсадида концерт дастурлари, бадиий хунармандчилик кўргазмалари, тадбирлар ташкил этилади.

17 март кунини эса "Маданият ва миллий аънаналар кунини" мавзуда барча маданият муассасаларида миллий аънаналарни акс эттирувчи саҳна кўринишлари намойиш этилади.

18 март – "Миллий либослар кунини" сифатида эрта-лаб соат 9:00дан бошлаб Туркистон вилояти давлат хизматчилари барчани миллий либос кийишга чақиршади.

19 март – "Янгиланиш кунини" деб номланади. Шу кунини барча ҳудудларда кўчат экиш ишлари ташкил этилади. Шунингдек, "Карвон сарой" мажмуасида улкан маданий-маърифий тадбир ўтади.

20 март – "Миллий спорт турлари" кунини барча туманлардаги спорт мажмуалари ва отчопарларида миллий спорт турлари бўйича мусобақалар уюштирилади.

21 март кунини Туркистон шаҳридаги "Карвон сарой" ҳудудида вилоят ҳоқими иштирокида "Мархабо – Наврўз!" байрам тадбири ўтказилиши режалаштирилган.

Шунингдек, шу кунини қозоқ эстрадаси юлдузлари иштирокидаги "Қўшиқ ва хонанда – Туркистон тўрида" номли концерт дастурининг натижалари эълон қилинади.

22 март – "Йил бошини" кунини "Улуснинг улуг кунини – Наврўзи олам!" мавзуда марказий майдонлар, истирохат боғларида кўргазмалар, концерт дастурлари, миллий спорт ўйинлари уюштирилади. Шунингдек, 2 кун давомида "Конгресс холл" мажмуаси ва Туркистон муסיқали драма театрида Республика оқинлар айтишуви ҳамда "Вальс қироли" спектакли намойиш этилади.

23 март – "Тозалик кунини"да эса вилоятда умумхалқ шанбалиги ташкил этилиб, туман ва шаҳарларда тозалаш ишлари олиб борилади.

– Байрам тадбирлари давомида хунармандчилик маҳсулотлари кўргазмалари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ярмаркалари ташкил этилади. Баҳорги таомларни татиб кўриш учун очик расталар ташкил этилади. Бу йил Наврўз айёми муқаддас Рамазон ойида нишонланаётганини инобатга олиб, кекса авлод вакиллари, хусусан, Улуғ Ватан уруши қатнашчилари ва меҳнат фронти фахрийларига ҳар томонлама ҳурмат ва эҳтиром кўрсатишга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Ёлғиз қариялар, ижтимоий кўмакка муҳтож инсонларнинг ҳолидан хабар олиш, улар учун дастурхонлар ташкил этиш ҳамда турли хайрия тадбирларини амалга ошириш лозим, – деди А. Кўйлибаев.

Вилоят минтақавий алоқалар хизмати маълумотлари асосида.

БИРЛИГИ ЯРАШГАН ЭЛМИЗ



Сўзоқ қишлоқ Маданият уйида “Бирлигимиз – ҳамжиҳатликда” мавзусида Қозоғистон халқи Ассамблеясининг 30 йиллигига бағишланган тадбир ўтди.

Анжуман “Сўзақ” мактаб-гимназияси “Алау” рақс гуруҳининг чиқиши билан бошланди. ҚХАнинг ташкил толаганига 30 йил тўлди. Ушбу ташкилот турли этнос ва маданиятлар тотувлиги, бирлигини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган муҳим тизимга айланди. Бирлик, ҳамжиҳатлик – элимизнинг узвий мезони давлатимизнинг асосий қадриятидир. Элимиздаги барча этнос вакиллари ушбу муштарак вазифани ҳаётга татбиқ этишга ҳисса қўшмоқда. Давлат раҳбари Қ. Тўқаев



ҚХАнинг “Бирлик. Бунёдкорлик. Тараққиёт” мавзусидаги 33-сессиясида ушбу уч мезон халқимизнинг дастурий йўналиши ва туб моҳиятини маълум қилишни таъкидлади.

Анжуман иштирокчиларини туман ҳоқими ўринбосари Алтин Кунтуқизи муборакбод этди.

Туманимизда Оқсоқоллар кенгаши 2023 йили 23 февралда ташкил этилиб, унга Берик Турғанбаев раис этиб сайланди. Кенгашнинг сайёр йиғилишлари фақат туман марказида эмас, балки Сўзоқ, Куктүбе, Таукент ҳудудларида ўтказилди. Туманимизда 17 этнос вакиллари ҳамжиҳатликда ҳаёт кечирмоқда. Туманда 60 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилса, уларнинг 4 минг нафари ўзбеклардир. Туман ҲЭМБга Муҳаммадjon Маммаджон ўғли самарали раҳбарлик қилмоқда. Сўзоқ туман ҳоқими Мухит Сексенбайули Оқсоқоллар кенгаши раиси Берик Турғанбаев, оналар кенгаши раисаси Ристи Райимқулова, ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси Муҳаммадjon Бобоевларни қабул қилиб, қатор долзарб масалаларни муҳокама қилди. Ёшларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш мақсадида спорт мажмуасини барпо этиш режаланган. Ҳокимликнинг эски биносини таъмирлаб, кексаларнинг бўш вақтидан самарали фойдаланишлари учун махсус марказ очилади.

Туман ҳоқими ўринбосари Алтин Кунтуқизи фаоллар М. Бобоев, Сизған қишлоғи ҳоқими маслаҳатчиси Ермек Махмутовули, “Суындық” умумтаълим мактаби директори Нурлан Мусаев, Сўзоқ қишлоғи имоми Султанхан Рустемов, христиан черковидан Игорь Боровиковларни туман ҳокимининг ташаккурномалари билан тақдирлади.

Мақсат ҚАРҒАБАЙ,
Қозоғистон Журналистлар уюшмаси аъзоси.

Тасвирларда: тадбирдан лавҳалар.

Муаллиф суратга олган.

»» 1 Март – Шукрона куни

“ЫНТЫМАҚ” УЙИДАГИ ДАВРА СУҲБАТИ



Туркистон шаҳридаги барча жамоат ташкилотлари жойлашган “Ынтымақ” уйида шаҳар ўзбек ва турк ЭМБ вакилларининг давра суҳбати уюштирилди.

Давлатимизнинг оқилона сиёсати самараси мамнуният билан қайд этилди. Смартфонларда этнослараро тотувликка раҳна солувчи маълумотларни тарқатган шахсларга қонун доирасида қатъий жазо чораларини қўриш ҳақида таклифлар айтилди. Мустақиллик йилларида Туркистон шаҳрида аҳолини табиий газ, янги мактаблар билан таъминлаш, кўчаларда тунги чироқларни ўрнатиш масаласи ижобий ҳал бўлганлиги эътироф этилди. Вилоят жамоат тотувлиги бошқармаси вакили Ҳамид Исоқовнинг маърузасида Қозоғистон Конституцияси, давлатимиз томонидан этнослараро тотувликни мустаҳкамлаш борасида амалга ошириладиган кўламдор ишлар қайд этилди.

Туркистон шаҳар ҲЭМБ раиси Райимжон Қўчқоров Шукрона кунининг бош мақсади кўпчиликлари яхшилик ва ҳушқайфият улашиш, муҳтожларни қўллаб-қувватлаш эканлигини ҳам баён этиб, фахрий отахонларга байрам совғаларини тақдим этди.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирда: тадбирдан лавҳа.

Муаллиф суратга олган.

»» Туркистон шаҳрига – янги мақом!

ТУРКИЙ ОЛАМНИНГ ЖАВОҲИРИ

Туркистон – икки дунё эшиги бу,
Туркистон – ҳар бир туркнинг бешиги бу.
Туркистон – Тангри берган муқаддас жой,
Туркистон – ҳар бир туркка сочар ёғду.

Мағжан ЖУМАБАЕВ.
“Туркистон” шеърдан.



Туркистон шаҳри йилдан йилга тобора чирой очиб, обод ва гўзал шаҳарга айланмоқда. Вилоят марказини кўкаламзорлаштириш нечоғли долзарб масала эканлигига изоҳнинг ҳожати йўқ. Кейинги пайтда шаҳарнинг, айниқса, марказий қисмида йўл чеккаларида кичик меъморий қиёфа сифатида ўзига хос кўринишдаги мўъжаз гулзорлар яратилмоқда. Баҳор келиши билан кеч кузгача гуллайдиган турфа олам ўсимликлар кўзни қувонтиради. Март ойидан бошлаб боғ-роғлару хиёбонларда пола, атиргул, гулсафсар гуллайди. Апрель ойи охири – май бошларида бу гуллар атрофга майин ифорини таратади. Ёз давомида эса деярли ҳар қақиримда 30дан зиёд турфа гуллар шаҳар кўрқига кўрк бахшида этаётганини кузатиш мумкин.

Туркистонни яшил минтақага айлантириш мақсадида шаҳар ҳудудига мевали дарахтлар, чунончи, олма, олхўри, ўрик ва гилос кўчатлари ўтқазилмоқда. Боғу роғлар майдони кенгайиб, қадимий шаҳар яшилликка бурканмоқда.

Минтақа раҳбари шаҳарни янада ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштириш тадбирларини муттасил назорат қилиб туради. Барча мавзёларда режа асосида иш қизгин олиб борилмоқда. Муттасадди ташкилотлар янги мавзёларда тунги чироқлар, ўриндиқлар, ахлат қутиларини ўрнатишмоқда. Пиёдалар йўлакчаси ва велойўллар атрофига ҳам кўчат ўтқазилди. Шунингдек, автотурагоҳлар тартибга келтирилди.

Ҳозирги кунда Туркистон яқинидаги 10 минг гектардан зиёд майдонга дарахт кўчатлари ўтқазилган. Қадим шаҳар “Яшил белбоғ”нинг майдони икки бараварга ортди.

– Туркистон яшил шаҳарга айланмоқда. “Яшил белбоғ” – шаҳарни шамолдан, чангдан муҳофаза қилади.

катларда ўсадиган ўсимликларни мослаштириш юзасидан амалиётлар олиб борилмоқда.

Бу ўз навбатида баъзи бир нинабаргиларнинг уруғдош турларини шаҳар атрофидаги “Яшил белбоғ”да ўстиришга мослаштириш мақсадида амалга оширилмоқда. Ҳозирда шоҳкўчалар ва марказий кўчалар йил давомида яшиллик таъминлаб турувчи манзарали дарахтлар билан мунтазам бойитиб борилмоқда.

Албатта, илгари ҳам яшил ҳудудлар бўлган, ammo сифат масаласида улар талабга мувофиқ жавоб бермаган. Ўсимликлар бетартиб, аксарият ҳолларда бир тизимга мос бўлмаган равишда экиб ташланаверган, парвариш ишлари ҳам деярли олиб борилмаган. Кейинги йилларда ушбу долзарб масала аста-секин ўз ечимини топтоқда. Юқорида қайд этилганидек, шаҳарда ободончилик ишлари нафақат ирригаторлар, курувчилар, меъморлар, балки бошқа турли соҳа вакиллари ҳам жалб этган ҳолда мажмуавий тизим асосида амалга оширилади. Шунинг ҳам айтиб ўтиш кераки, бу борада барча бўғинларда-

ги ишлар изчил юритилаётгани туфайлигина минтақа иқлимини меъёрда таъминлаб туриш имконияти мавжуд.

Ҳозирда шаҳарнинг “яшил дастури” асосида вилоят марказининг ўзига хос меъморчилигига, ҳар бир кўчаси, майдони, анъаналари, жойлашувига ҳам эътибор қаратилмоқда.

Ушбу йўналишда ўсимликларни экиш ва парвариш-лаш юзасидан янги технологиялар амалиётда қўлланила бошланди. Шаҳар табиати муҳофаза қилиш кўмитаси, ободонлаштириш бош бошқармаси ҳамда соғлиқни сақлаш тизими мутахассислари ўзаро ҳамкорлигида шаҳримиз дам олиш масканларидаги дарахтзорларнинг ҳолати батафсил ўрганиб чиқилмоқда.

Албатта, бундай ишлар Туркистоннинг барча мавзёларида қизгин давом этиб, майдонлар, кўчалар, боғу



роғлар, маҳаллалар кўрқига кўрк қўшилмоқда, демалки, шаҳримизнинг экологик мувозанати барқарор бўлиши, аҳоли саломатлиги мустаҳкамлашига имконият яратилмоқда. Энг муҳими, туркий оламнинг маданий маркази меҳмонлари ва ҳамшаҳарларимиз хушманзара гўшаларда тоза ҳаводан баҳраманд бўлиб, мароқли дам олиш имконига эга бўлмоқдалар.

Мухтасар қилиб айтганда, шаҳримизда “яшил дастур” доирасида амалга оширилган саъй-ҳаракатлар бардавом бўлиб, бундан кейин ҳам ўз самарасини беради.

Туркистоннинг вилоят марказига айлантирилиши эса – истиқлолнинг, барқарорлик ва тинчликнинг меваси. “Туркистон – Қозоғистон пойтахти бўладими?” деган саволнинг тугилиши бежиз эмас. Бунга, албатта, асос йўқ. Лекин шунинг таъкидлаш жоизки, бу шаҳарнинг тарихи жуда бой ва узоқ ўтмишга бориб тақалади. Туркистон мусулмонлар ва бутун туркий олам учун жуда аҳамиятли жой. Шу боис ҳам, эҳтимол, пойтахтнинг кўчирилиши ҳақида фикрлар пайдо бўлгандир.

Лекин шунга қарамай, Туркистоннинг равнақи ҳокимликнинг стратегик вазифасига айланди. Бунёдкорлик ишларининг суръати ҳайратланарли. Шаҳарнинг Бош режаси бўйича бир вақтнинг ўзиде 175та йирик иншоот қурилиши олиб борилади, уларга бюджетдан миллиардлаб тенге ажратилмоқда. Қурилиш ишлари куну тун, бир муддатга тўхтамайпти. Вақти келиб, Туркистон Марказий Осиёнинг норасмий пойтахтига айланиши ҳам башорат қилинмоқда.

Мақоламизни Мағжан Жумабаевнинг “Туркистон” шеърдан олинган сатрлар билан якунлаймиз:

Туроннинг Тиёншондай тоғи қалай,
Тенг келмас Тиёншонга тоғлар талай!
Туркининг чўғи ғурурин сен ёдга солгин,
Викорли Хонтангрига қарай-қарай.

Йўқса, у буюк юртга ўхшармиди?
Улуғлар бу заминни йўқлармиди?
Қазигурт хосиятли тоғ бўлмаса,
Тўфонда Нух кемаси тўхтармиди?

Бу тупроқ эзгу – гарчи оддийдайин,
Уқарсан тарих кўрсанг буну тайин.
Туронга бежиз хумор бўлган эмас,
Қачондир Кайхисраву Зулқарнайин.

А. АБДУФАТТОҲ.



ИҚТИДОРЛИЛАР БЕЛЛАШУВИ



Истеъдод – шундай бир гавҳарки, у денгиз тубида, садаф ичида ҳам гавҳар. Истеъдод шундай бир зилол ирмоқки, унинг ҳар бир қатрасида дарёларнинг қудрати, уммонларнинг теранлиги бор.

Эркин ВОҲИДОВ.

Истеъдод шундай бир гулки, унинг ҳар бир очилмаган гунчасида чаманларнинг бўйи, таровати бор. Мактабимизнинг ёшлари орасида иқтидорлилари, истеъдодлилари, ўзининг ширали овози билан эл назарига тушаётган ёшларимизнинг борлиги ва уларнинг сафи кенгайиб бораётганлиги, биз, устозлар бахти.

Яқинда 5-“Г” синф ўқувчилари иштирокида “Истеъдод сарчашмаси” мавзuida тадбир уюштирилди. Унда ўқувчилар жонли ижродаги кўшиқлари билан иштирок этишди. Мумтоз миллий куйларимизга саҳналаштирилган рақслар тадбирга ўзгача шуқуқ бахш этди. Адабиётимизнинг йирик намоёндаларининг сарағазллари, рубойлари, ашъорлари ифодали ўқилди.

Тадбир ўқувчиларнинг серқирра, изланувчан, ижодкор ёшлар эканлигини яна бир қарра исботлади.

Зарифа НИЁЗМАТОВА,
3. Хусанов номли 110-сонли умумтаълим мактабининг ўзбек тили ва адабиёти муаллимаси.

»» Хотирлаш дилни поклайди

ЖАМОАТ АРБОБИ ЭРКИН ЖЎРАБЕКОВНИНГ НУРЛИ ХОТИРАСИГА

Туркистоннинг азиз фарзанди, шаҳар ижроия кўмитаси раиси бўлиб самарали меҳнат қилган Эркин Искандар ўғли таваллудига саксон йил тўлишига санокли ойлар қолди.

Соҳибқирон Амир Темур буйруғи билан Қарноқ қишлоғида куйилиб, Ҳазрат Яссавий мақбарасига туҳфа қилинган тарихий дошқозоннинг Ленинград шаҳридаги (ҳозирги Санкт-Петербург) Эрмитаж музейидан Туркистонга қайтариб олиб келинганига яқинда 36 йил тўлади. Масъулиятли сафарда Эркин Жўрабековга ҳамкор, мададкор, қийинчилик-



ларни енгшида елкадош бўлган туркистонлик Абдусодиқ Абдураззоқов, Дадажон Жамолов ҳамда марҳум Мусо Абдуқодировлар ҳам хизматлари билан тарихда қолди. Дошқозон Ленинграддан Туркистонга – ўз тарихий ватанига олиб кетилгач, уша кездеги Россия давлати раҳбари Борис Ельцин махсус фармон чиқариб, Эрмитаждан ноёб экспонатларни ташқарига чиқаришни таъқиқлаб қўйган. Шу биргина мисолнинг ушбу буюқ ишнинг моҳияти ва жамоат арбобининг маънавий жасорати, ташкилий маҳорати далолатдир. Эркин Жўрабековнинг номи абадийлаштириш ҳақида кўп айтилди. Эндиликда республика, вилоят, шаҳар ўЭМБ жамоат ташкилотлари амалий ишга киришса нур устига нур.

Суратларни кўздан кечираман. Мақолаимиз қаҳрамонининг Улуғ Ватан уруши фахрийлари Олимжон Муҳаммаджонов ҳамда падали бузруквори

Искандар Жўрабеков билан тушган сурати жорий йил – Буюқ Ғалабанинг 80 йиллиги арафасида алоҳида аҳамият касб этади. Эркин Искандар ўғли Туркистон шаҳар ўЭМБни ташкил этишда қорачиқлик ҳуқуқшунос, Туркистон туман судида ишлаган Ирискул Айметов билан кўп ҳолис хизматлар қилган. Туркистон аскиячилари терма жамоаси сардори сифатида Сайрам туманидаги вилоят ўзбек театри ва Туркистон шаҳридаги ХҚТУ маданият саройида юксак савияда ўтган халқаро аския анжуманларида мислсиз маҳорати билан танилган иқонлик Эргаш Маннотов, тарихий шахс Нуртас Ўнгдасинов билан мулоқотда бўлган югнаклик меҳнат фахрийси Эрмат Вафоевлар ҳам юртимиз фахридир.

Шимкентдаги Абай истироҳат боғида ўтган Ўзбек тили, маданияти ва анъаналари байрамида моҳир хунарманд Носир Ҳамроқов тайёрлаган дошқозон сувенири ҳақидаги суҳбат акс этган лавҳа жорий йили ҚХАнинг 30 йиллиги байрамига муносиб туҳфадир. Вақт тезкор. Юқоридан номлари қайд этилган машҳур инсонларнинг ҳаёти ва фаолияти ёш авлод учун ибрат мактабидир. Ватанига садоқатли Эркин Искандар ўғли Жўрабеков ҳақида тарихий дoston битдим. Ўтганларнинг охириати обод бўлсин.

Қодир АҲМЕДОВ,
Туркистон вилоятининг ибратли фуқароси.

Тасвирларда: Эркин Жўрабеков; УВУ фахрийлари даврасида; Шимкентдаги Абай истироҳат боғида.

ИНТИЛУВЧАН ШОГИРДЛАР КЎПАЯВЕРСИН!



Ўқувчиларининг истеъдодли, иқтидорли бўлгани ҳар бир муаллим учун улкан ютуқ. Қалбимизни ғурур ҳиссига тўлдирди. Уша таълим даргоҳида устознинг умри бежиз ўтмаётганлигидан, меҳнатининг самарасини шоғирдлар хулқида кўриб, ўзгаришлардан завқу шавқ олади. Меҳнатнинг маънавий самараси ҳам шу бўлса, ажабмас.

Яқинда бир шоғирдимизнинг ютуғидан қувондик. Самандар Ҳабибуллаев мактабимизнинг 4-“Б” синфида ўқийди. Дарсларда, шу билан бирга, дарсдан ташқари ишларда ҳам фаол ўқувчи. Дзю-до билан шуғулланаётганига икки йил бўляпти. Ҳар гал биринчиликлар, турли беллашуларда иштирок этиб, совринли ўринларни кўлга киритаётганини кўриб, хурсанд бўламан, меҳнатининг самарасини кўраётганидан қувонаман. Олимпия захиралари 1-спорт мактабида унга Севара Нишонбоева мураббийлик қилмоқда. Дарсларни яхши ўзлаштираётган ўқувчи айна дамда “аъло” баҳоларга ўқияпти. Эътиборлиси шундаки, Самандар бундан ташқари, футболга ҳам қизиқади.

Самандар спортга ишқибозлиги билан бирга, китоблар мутолаасига ҳам вақт топади, синфдошларини ҳам бунга тарғиб қилади. Ўқувчим айна дамда 3 тилда бемалол сўзлаша олади. Самандарнинг интилувчанлигини доим ўқувчиларга намуна.

Ҳабиба ЗИЁЕВА,
Муқимий номидаги 13-умумтаълим мактабининг бошланғич синф муаллимаси.
Шимкент шаҳри.



БУЮКЛАР ИЗИДАН...



Буюқ бобокалонимиз Аҳмад Яссавий ҳазратлари нафас теккан қадим ва қутлуг Туркистон тупроғидан Ўзбек адабиётининг буюқ даргалари – Аҳмад Югнакий, Сакокий, Муҳаммад Шайбонийхон (Шоҳбахт), Сайфи Саройи, Ғурбатий, Миртемир, Одил Ёқубов, Суннатулла Анорбоев, Эргаш Неъматуллаев, Саъдулла Сиёев, Носир Фозилов каби йирик намоёндалар етишиб чиққан.

Уша даргалар изидан келаятган яна бир таниқли ўзбек ёзувчиси, адиб, носир, публицист, адабиётшунос танқидчи, моҳир таржимон Раҳимжон Эгамберди ўғли (Раҳимжон Отаули) 1949 йили 3 апрель санасида Чипон қишлоғида зиёли оилада дунёга келди.

Ўрта мактабни тамомлаб, ҳужжатлари Тошкент Давлат университетини физика-математика факультетининг кечки бўлимига топширди. 1966 йили 10 июль куни таниқли ўзбек адиби Ғафур Ғулломнинг жанозасида қатнашиб, у ерда таниқли ўзбек адиблари билан учрашишга мушарраф бўлади. Жанозадан чиқиб, ҳужжатларни қайтариб олди-да, филология факультетига топширди.

1966-1973 йиллари ТошДУ филология факультетининг кечки бўлимида таҳсил олиб, кундузи ЎЗР Фанлар Академияси А. Навоий номи Тил ва адабиёт институтининг фольклоршунослик бўлимида лаборант бўлиб ишлаган ҳамюртимиз ўзбек адабиёти оламига кириб борди, кўплаб таниқли олимлар кўлида тарбия топди.

1973 йилдан Туркистон туманининг “Коммунистик меҳнат” газетаси таҳририятида адабий ходим ва таржимон бўлиб ишлаган Р. Отаев икки йил давомида армия сафида йигитлик бурчини ўтаб қайтди. 1975 йили ноябрь ойидан Тошкент шаҳар Чилонзор тумани 200-сонли

ўрта мактабда ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси, 1976-1979 йиллари ЎзССР Маориф вазирлигида услубиятчи, 1980-1983 йиллари республика Матбуот ва ахборот агентлигида муҳаррир-маслаҳатчи бўлиб ишлади. 1983 йилдан бевосита Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида фаолият юритган ҳамюртимиз “Раҳимжон Отаули” тахаллуси билан ижод оламида яхши танилди. Аввалига Ёзувчилар уюшмасида адабиётшунослик ва танқид бўйича маслаҳатчи, 1987 йилдан катта адабий маслаҳатчи бўлиб ишлаган Раҳимжон Отаули 1992-2009 йиллари Ёзувчилар уюшмасининг масъул котиби лавозимида меҳнат қилди.

Адиб ҳамюртимизнинг “Муродхон” достони бадиятига бағишланган дастлабки илмий мақоласи 1973 йили “Фозил йўлдош ўғли” жамоавий тўпламида, “Сирли олам” номи илк бадияси 1977 йили “Гулистон” журналида чоп этилди. Кейин “Осмон тўла юлдузлар (Туйғулар ҳақида суҳбат)” фалсафий эссе, “Қалб дарчаси”, “Сурнай навалари”, “Тилсим” (Туркистон

достони) каби қиссалар, бадиялар, ҳикоялар, настрий дoston ва адабий-танқидий мақолалар китоблари ва тўпламлари чоп этилди. Раҳимжон Отаули таржима соҳасида ҳам баракали ижод қилиб, эрон адиби Муҳаммад Али Жамолзода-нинг “Шуробод” асари, италян адиби Дино Бутсатининг сара ҳикоялари, абхаз адиби Фозил Искандарнинг “Қуёнлар ва бўғма илонлар” фалсафий эртаги ва бир қанча сара ҳикоялари, қозоқ адиблари Мухтар Мағауиннинг “Тириклик кўшиғи” ва Абиш Кекилбаевнинг “Байғатўри” асарлари, шунингдек, Ўзбекистон Қаҳрамони, атоқли қорақалпоқ адиби Тўлапберген Қайпбергеновнинг “Қорақалпоқнома” роман-эссеси тўпламини ўзбекчага ўғирди.

Лекин кейинги пайтларда ҳамюртимизнинг номи унут бўлаёзгандек гўё. Сара асарлари ила Ўзбекистон адабиёт оламида ўз ўрнига эга ҳамюртимизга узок умр, сиҳат-саломатлик тилаб қоламиз.

Саид ХАЙРУЛЛОХ,

»» Муштарийлар илтимосига биноан

ЯНГИ ИҚОН ҚИШЛОҒИ ВА ЙЎЛОВЧИ АВТОБУС

Бир неча йил муқаддам янги-конлик меҳнат фахрийси, нафақадор устоз Олим Қосимовнинг илтимосига биноан йўловчилар кўплиги боис, Туркистон шаҳридан қишлоққа 50 ўринли автобус қатновини ташкил этиш учун “Жолаушы” МЧБ таъсисчиси Раҳимжон Танирбергеновга мурожаат этгандик.

Газетамиз жонкуяри Р. Танирбергенов тадбиркор ҳаммаси Худойберган Холметов сая-ҳаракатлари билан ҳамқишлоқлари номидан мурожаат этган О. Қосимовнинг таклифини ижобий ҳал қилиб, Янги Иқонга автобус қатновини ташкил этиб берганди...

Яқинда Янги Иқон қишлоғидан фаол жонкуяримиз Тўлқин Олим ўғли таҳририятга мурожаат этиб, оралик масофа 50 чақиримни ташкил этувчи “Туркистон – Янги Иқон” йўналишида

автобус қатнови йўловчилар камлиги сабабли тўхтаб қолганлигини маълум қилди.

Бу ҳақда Янги Иқон қишлоғи ҳокими, Тоҳир Абдаевдан сўрадик.

– “Туркистон – Янги Иқон” йўналишида кўп йиллар кунига уч марта қатнаб, аҳолининг узоғини яқин, қилиб келган тажрибали ҳайдовчи Анвар Худойберган ўғлига қишлоғимиз аҳли номидан самимий миннатдорчилик билдираман. Тўлқин Олим ўғли баён этган масаладан воқифман. Автобус қатнови тўхтаб қолмаслиги учун кичикроқ автобус куйилиб, синаб кўрдик. 7800га яқин аҳоли истиқомат қиладиган қишлоғимизда рўйхатга

олинган шахсий енгил автомобиллар сони 995тани ташкил этади. Қишлоқ марказидан Туркистонга қатнайдиган таксилар сони 80дан зиёд. Боз устига, қишлоқдан шаҳарга ўз автомашинасида қатнаб ишлайдиганлар йўловчиларни шаҳарга бирга олиб кетишга одатланган. Шу жиҳатларни жамлаганимизда, кунига уч маҳал қатнайдиган 50 ўринли автобусга чиқадиган йўловчилар сони нисбатан кам. Бозор иқтисодиёти шароитида эса даромад харажати қолмасаса, қийин, – деди қишлоқ ҳокими.

Ш. МАДАЛИЕВ.
Муаллиф суратга олган.

Р.С. Қиш мавсуми сабаб йўловчилар сони камайгандир. Ёз – пишиқ-чилиқ мавсумида йўловчилар сони ортиб, Янги Иқондаги шахсий автомашинаси йўқ аҳоли учун автобус хизмати яна тикланишига умид қиламиз.



»»Мулоҳаза учун мавзу

Яқинда Шимкент шаҳрининг Енбекши туманидаги "Қоратепа" Маданият уйида фаоллар йиғилиши ўтиб, унда тўйлар масаласи муҳокама қилинди. Дастлаб сўз олган Қоратепа даҳасининг тўбейий Абдумотал Исроилов фаолларни жорий йилги режалар билан таништириб, уларнинг эътиборини бугунги долзарб масалаларга қаратди.

– Яқинда Давлатимиз раҳбари Қ. Тўқаев "Ана тили" газетасида эълон қилинган мушоабасида барча жабҳаларда иқтисод қилиб яшашга ўрганишимиз зарурлигини таъкидлади. Айниқса, тўйлардаги исрофгарчилик, дабдабозлик ва ортиқча сарф-харажатларни камайтириш муҳимдир.

Маълумки, юртимиздаги тўйлар аънаваний тарзда кўркам ва серхашам ўтади. Лекин, афсуски, баъзи ҳолларда дабдабозлик ва исрофгарчилик ҳаддан ошиб кетмоқда. Албатта, ҳар бир инсон тўй қилсам, деб орзу қилади ва унинг эсда қолавери бўлишини истайди. Лекин бунинг учун ортиқча чиқим қилиш шартми? Ахир тўйни камтарона, самимий ва мазмунли уюштириш ҳам мумкин-ку! Дарҳақиқат, тўй дабдаба учун эмас, келажақда мустақкам оила қуриш учун ўтказилиши жоиз.

Бугунги кунда тўйларимиз қандай ўтмоқда? Кўп ҳолларда, келин-куёв танимайдиган одамлар ҳам тўйга таклиф қилинмоқда. Ноз-неъматларга тўла дастурхондаги таомлар исроф бўлмоқда. Одатда, келин-куёвнинг бир марта ишлатилган қимматбаҳо либослари ва заргарлик буюмларига, қудаларга бериладиган ҳадяларга катта маблағ сарфланмоқда. Тўйхонада мусиқа овози билан қўйилади. Келин узатилганида олиб юрадиган қимматбаҳо машиналар карвони йўл ҳаракатига ҳалакат бермоқда. Ҳа, сийқаси чиққан мавзу... Лекин бугунги кунда ҳам оила қуришга бел боғлаган йигит-қизлар билан булар



ҳақида тушунтириш ишларини юритиш, айниқса, ёш авлодни миллий қадриятлар ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш муҳимдир. Шундай йўл тутилса, ёшлар орасидаги ажрашишлар, ҳарбий хизматдан бўйин товлашларнинг сони камаяр эди, – деди у.

Тадбирда, шунингдек, Енбекши туманининг Қоратепа даҳаси ота-оналар қўмитаси раиси Абдураҳим Абдурашидов, фахрийлар кенгаши раиси Раимқул Мавлонқулов, ёшлар қўмитаси етакчиси Камолитдин Тожиев, унинг ўринбосари Ва-

гиф Ҳасанов, меҳнат фахрийси Ходимат Расулметов, хотин-қизлар ташкилоти раисаси Лазокат Алҳамшиқова, Енбекши тумани ҳокимлиги бош ноизи Сауле Шапалаева, етакчи мутахассис Ақром Исмоилов, касбий медиаторлар Пиримқул Мавлонқулов ва Турсуншиқ Раҳмоншиқов, "Қоратепа" Маданият уйи директори Баҳром Бегметов ҳамда маданият ходими Раҳимжон Талашбоевлар иштирок этиб, кун тартибидаги масалалар хусусида фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Бу вазифаларни амалга оширишда маҳалла

бийлар, хотин-қизлар ва ёшлар қўмиталари аъзолари ва фаолларнинг муштарак саъй-ҳаракати зарур. Келгусида тўйхона соҳиблари, хизмат қилувчи мусиқа ва рақс дасталарининг раҳбарлари, жўрабошилар билан учрашиб, тушунтириш ишларини олиб бориш режаланди.

3. МҮМИНЖОНОВ.

Тасвирда: тадбир иштирокчилари.

“НАФОСАТ” ТАНЛОВИ ЎТДИ

Қиз – нафосат ва назоқат тимсоли. У – меҳрибонлик ва самимият манбаи, оила ва жамият гулшани. Ҳар бир қиз – ўзгача, ўзига хос, гўзал ва заковатли. Уларнинг кўнгли ойдек мусаффо, муҳаббати эса бебаҳо гавҳардек қимматли.

Шу билан бирга, қиз – сабр-тоқат ва матонат тимсоли. У билимли, ақлли ва серғайрат бўлса, жамият тараққиётига улкан ҳисса қўшади. Узоқни кўра билладиган, мақсад сари интилувчан қизлар келажакка йўл очувчи ёрқин юлдузлардир.



Қизларни қўли гул чевар инсон сифатида тарбиялаш оилада онага, мактабда эса меҳнат таълими дарсига боғлиқ. Шу муносабат билан 17-сонли умумтаълим мактабида «НАФОСАТ» қизлар кўрик-танлови ўтказилди. Ушбу тадбирга 8-«А» синфидан Шабнам Исломуллоева, Садоқат Абдирашидова, 8-«Б» синфидан Зиёда Абдураимова, Дилсера Мирасулова

иштирок этишди. Улар тўртта шарт бўйича беллашувда ўз ижодкорликларини ва моҳирликларини кўрсатишди.

Мактаб маъмурияти ва ота-оналар иштирокидаги танлов жуда ажойиб ва файзли ўтди. Тадбир қатнашувчиларини меҳнат таълими муаллимаси Барно Абдусолиева ва мактаб маъмурияти совга ва мақтов қоғозлари билан

тақдирлади. Устоз Барно Абдусолиевага алоҳида миннатдорчилик изҳор этилди.

Садоқат АҲМЕДОВА,
ўзбек тили ва адабиёти муаллимаси.

Тасвирларда: тадбирдан лавҳалар.

Шокирбек ЗУННУНХОНОВ
суратга олган.



ШОИР БИЛАН УЧРАШУВ

*То тирикдирки табиат,
Тўқиб сочгайки нур.
Уч эгиз бордир тушунча,
Уч бу сўз ёндош бўлур.
Моҳиру меҳру маҳорат,
Олиму илму амал.
Ошиқу ишқу машаққат,
Шоиру шеър шуур.*
Эркин ВОҲИДОВ.

Инсон юраги ҳам бир олам. Унинг ҳам баҳор ва кузлари, тонг ва тунлари, ором ва зилзилалари бор. Шеърят юрак садоси бўлгани боис ана шу мураккаб туйғулар оламини ифода этади. Шунинг учун ҳам бир шеърни ўқиб қувонсак, кўксимиз сурур ва ифтихор туйғуларига тўлса, иккинчи бир шеърни ўқиб, хаёлга чўмамиз, инсон дардларига ошно

бўламиз. Шоирлик ўша туйғуларнинг табиийлиги ва ҳақиқийлигига шеърхонни ишонтира олиш демакдир.

Али Ақбаев номли умумий ўрта мактабида "Шеърят гулшанида" мавзуда адабий кеча уюштирилди. Унга Қозғистон Журналистлар уюшмаси аъзоси, "Жанубий Қозғистон" газетаси муҳбири, таржимон, аллақачон ўз мухлисларига эга бўлган шоир Хуршид Қўчқоров (Хуршид АВАЗ) таклиф этилди. Тадбирда ўқувчилар шоирнинг шеърларини ифодали ўқиди.

Учрашувда мактабнинг мусиқа ўқитувчиси, хушовоз хонанда Шавкат Арзиметов шоирнинг шеърларига басталаган қўшиқларни жонли ижро этиб берди.

Ўқувчилар ўзларини қизиқтирган

саволлар билан мурожаат қилиб, шоирдан қўтирган, қўтилмаган жавоблар олишди. Хуршид Қўчқоров шеърларини ўқиб бераркан, шу каби учрашувлар ўқувчиларни она тилини асраш, мутлоагага, ижодиётга чорлашни алоҳида таъкидлади.

Кеча сўнггида директорнинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари Ўғилжон Шамшиева, илмий мудири Фарҳод Артуқметовлар тадбирнинг аҳамиятига тўхталиб, ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашиб, ижодкорга миннатдорчилик билдирди.

Муниса АҲМАДЖОНОВА,
Али Ақбаев номли мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси.

МАЪНАВИЙ МЕРОСИМИЗНИ УЛУҒЛАШ ЙЎЛИДА

Ўзбек адабий тилининг асосчиси, ғазал мулкининг султони, буюк шоир ва мутафаккир, туркий ва жаҳон адабиётидаги йирик мутафаккир, давлат арбоби сифатида тарихда из қолдирган, ижоди ва фаолияти билан туркий тилдаги адабиётнинг равнақига катта ҳисса қўшган Алишер Навоий таваллудининг 584 йиллигига бағишлаб мактабимизда "Ғазалхон ёшлигим" мавзуда тадбир ўтди.

Унда Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижодига доир видеолар ва ўқувчилар иштирокида сахна асарлари намойиш этилди, шоирнинг қаламига мансуб ашъорларга басталанган мумтоз қўшиқлар жонли ижро этилиб, уларга сахналаштирилган дилрабо рақслар намойиш этилди.

Ўқувчилар Алишер Навоийнинг нафақат шоир, балки тилшунос ва мутафаккир сифатида жаҳон адабиётига улкан ҳисса қўшганлиги,



тилнинг гўзаллигини намойиш этганлиги ҳақидаги маълумотлар билан таништирди.

Алишер Навоийнинг асарлари бугунги кунда ҳам ўқувчилар учун йўлчи юлдуз сифатида хизмат қилмоқда. Унинг мероси нафақат ўзбек

халқи, балки бутун инсониятнинг маънавий бойлиги ҳисобланади.

Зарифа НИЁЗМАТОВА,
3. Хусанов номли 110-сонли умумтаълим мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти муаллимаси.

Директор – Бош муҳаррир Райимжон Ортиқбой ўғли АЛИБОВ.

Бош муҳаррир ўринбосарлари:
Муроджон АБУБАКИРОВ,
Авазхон БУРОНБОВ.

Масъул котиба – **Шаҳноза УСМОНОВА.**

Масъул шахслар:

Туркистон, Саверон – Шамирза **МАДАЛИЕВ.** +7701-610-51-22.
Қазигурт – Хуршид **ҚўЧҚОРОВ.** +7701-447-37-42.
Сайрам – Зокиржон **МҮМИНЖОНОВ.** +7702-278-96-90
Тулкибош – Мунира **САЪДУЛЛАЕВА.** +7747-144-60-71.
Жетисай, Мақтарал – Мухтабар **УСМОНОВА.** +7701-257-36-97
Келес, Саригоч – Малика **ЭЛТОЕВА.** +7702-841-78-82
Кентов, Сўзоқ – Рўзиохон **МАДАЛИЕВ.** +7708-824-20-97.

Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги.
Мулк эгаси – "Жанубий Қозғистон" вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти" масъулияти чекланган биродарлиги.

«Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллифлар, реклам ва эълон берувчилар масъулдир.
«Фондация» маънавий мақолапарлава ёзма жавоб қайтарилмайди.

Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги томонидан 2020 йил 21 апрелда рўйхатга олинди, КЗ34ҲҲ00022503 сувоҳнома берилган.

"EURNUR" МББ Ўзбекистонда чол этилди. Шимкент шаҳри, Т. Алимутов кўчаси, 22.

МАНЗИЛИМИЗ:

160000, Шимкент шаҳри,
Тауке хан шоҳқўчаси, 6-уй, 3-қават.
Телефон: 53-07-10. Телефакс: 53-04-66.

Электрон почта: janubiy@inbox.ru

Нашр кўрсаткичи – 65466.

Адади – 11700 нуска.

Қозғистон Республикасида тарқатилади.

Бирим: 519.

Набатчи муҳаррир: Хуршид ҚўЧҚОРОВ.